Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 136 (6. 327) 1987 йил 17 июнь, чоршанба Баҳоси 3 тийин

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

ЖАДАЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

КПСС XXVII съезди белгилаб берган қайта қуриш ва жадаллаштириш стратегияси талаблари «Таштекстильмаш» заводи коллективининг меҳнат маромига ҳам таъсир кўрсатди. Айниқса, корхонада маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилгач, у яққол кўзга ташланиб қолди. Хўш, ишни нимадан бошлаш керак? Бу вақтинчалик кампания мазмунидаги олдиқочди гапларга ишонишданми ёки мавжуд муаммоларни ҳал этиб, янгиланиш сари дадил қадам қўйишданми?

Бу саволнинг ечими меҳнат коллективида узоқ изланди. Ишнинг моҳияти одамлар қалбига қанчалик чуқур сингдирилаётган бўлишига қарамай, заводда дадиллик билан маҳсулот сифатини яхшилашга киришилмади. Янги хизмат органи ўтган йилнинг октябрь ойидан фаолият кўрсата бошлаган бўлсада, маҳсулотни «чиғириқ»дан ўтказиш шу йилнинг дастлабки кунларидан йўлга қўйилди. Бой берилган вақтда фақат технологик жараёнлар синчиклаб ўрганилиб, ҳужжатлар қайтадан текшириб чиқилди холос. Ишчи-хизматчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Сифатсиз маҳсулот йўлига қатъий гов қўйилди.

Аммо ҳозир йилнинг ярми якунланай деб қолса ҳам бу ишни шу кун талаблри даражасига кўтаришга заводда шижоат етишмаяпти. Натижада ойлик планларнинг бажарилиши издан чиқди. Ҳозир корхона танг аҳволда қолган. Тўғри, ундаги «ноқулай» вазиятни бартараф этиш учун муайян ишлар олиб бориляпти. Бироқ бу ишлар бир ёқлама бўлиб қоляпти. Акс ҳолда корхонадаги муаммолар ортидан яна янги муаммолар пайдо бўлмас, заводнинг амалий ёрдамга муҳтожлигидан кўпчилик нолимасди.

Ваҳоланки, ишни яхшилаш резервлари аҳир коллектив меҳнатчиларининг ўз қўлида-ку? Четдан ёрдам кутишдан аввал ички имкониятларни чуқур ўрганиб, мақсадга мувофиқлаштирган маъқул эмасми? Агар ҳамма жойда ҳам муаммолар «юқоридан» аралашиш орқали ҳал этилаверса, у ҳолда малакали мутахассисларнинг қўл қовуштириб ўтиришларини қандай баҳолаш мумкин?

— Жадаллаштириш — давр талаби, давр биздан тезкорлик билан ишлашни талаб этмоқда, — дейди завод партия комитетининг секретари Рафиқ Носиров. — Биз эса сифат кўрсаткичларимизни яхшилаш билан боғлиқ ишларни ҳал этишдан бошқа нарсага улгуролмай қоляпмиз. Натижада такомиллаштирилган янги турдаги серуюм машиналарни яратиш ишлари тобора суст-лашиб кетаётир...

Бу — корхонада етилган энг муҳим муаммо.

— Бизни иш суръатидаги тафовут қаттиқ ташвишга соляпти, — деди завод давлат қабули органи бошлиғи Александр Николаевич Пивкин. — Биргина май ойининг дастлабки ўн кунлигида 7,5 процент, иккинчисида 18,4 процент маҳсулотни қабул қилиб олдик. Сўнгги ўн кунликда эса бу кўрсаткич 74,1 процентни ташкил этди. Хўш, бу аҳволда стандарт талабини қондириб бўладими? Ойнинг охиридаги иш суръатини наҳотки биринчи кунларданоқ таъминлаб бўлмаса? Бўлади. Аммо буни кўпчилик тўғри тушуниб етмаяпти. Айтилган гапларнинг вақтида бажарилмаётганлигидан парткомга мурожаат этишга мажбур бўляпмиз...

Бу муаммони эса изоҳлашга ҳожат йўқ. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деганларидек, корхонада ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Жумладан, заводни биринчи галда реконструкциялаш лозим. Йиғув цехи бугунги кун талабига жавоб бермайди. Уни кенгайтириш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш керак. Корхонадаги бошқа ишлаб чиқариш участкаларида ҳам ана шундай ўзгаришлар қилиш вақти аллақачон етилган.

Ҳозир заводда қабул қилинаётган ҳамма маҳсулотлар инструкцияга тўла мувофиқлаштирилган. Аммо арзимас бўлиб туюлган нуқсонга йўл қўйишнинг ўзиёқ ҳамон ортиқча қуч ва маҳнат сарфланишига сабаб бўлмоқда. Ўтган ойда 3-механика цехининг асосий ишлаб чиқариш участкасидаги Асқар Раҳматов бошлиқ бригада йиғувчиларни деталларни мустаҳкамлашни қайта-қайта бажараётганликлари учун мукофот пулидан маҳрум бўлдилар.

Завод давлат қабули органи катта вакили Леонид Юрьевич Борагуновнинг таъбири билан айтганда бригада ҳақида бундан бошқача фикр бўлиши мумкин эмас. Аслида-чи?

Бригада яхши ишлашга интилмоқда. Аммо цехда бўлган кунимиз бригадирнинг яхши ишлашга нималар ғов бўлаётгани ҳақида куйиниб айтган гапларидан завод маъмуриятининг бехабарлиги бизни бироз ажаблантирди. Ҳолбуки, янги шароитда ишлаш — одамлар онгини қайта тарбиялашдек масъулиятли вазифани ҳам қамраб олади. Шундай экан, қайта қуришни аввало ҳаммага бирдек муносабатдан бошлаш керак. Коллектив йиғувчилари бошқа бригадаларнинг ишчиларидан энг сўнгги жараённи бажариши билан фарқ қилади. Демак, бор ютуқ, камчилик ва нуқсон шу ерда кўзгудек акс этади. Ойнинг бошида йиғма узеллар ва ҳаво камералари уларга кам етказиб берилмоқда. Бошқа цехдан келтирилаётган пахта тозалаш машинасининг рамаси эса талабга жавоб бермайди. Аммо ишчилар имкониятларни қидиришмоқда. Яхши ишлаш чораларини топишяпти. Яқинда улар пахта тозалаш машинаси кронштейн ва втулкаларини сифатсизлиги учун акт тузиб, 2-механика цехига қайтариб юбордилар. Ишга масъулиятсизлик билан қаралганлиги учун цехга жарима солинди. Бошқа участкаларнинг сифатсиз деталларига ҳам бундан буён ана шундай жазо чорасини қўллаш назарда тутилмоқда. Заводнинг малакали мутахассислари, инженер-техник ходимлари калаванинг учини излаш билан банд. Улар калаванинг учини топишларига ишонамиз.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Район Совети депутатлигига номзод Т. Ильина агитаторлар билан биргаликда Ражабовлар хонадонига келиб, 21 июнда бўладиган сайловга таклиф этди.

Оилада бўлган бафуржа суҳбатда Т. Ильина агар ўзи депутатликка сайланса нима ишлар қилиши ҳақида сайловчилардан олинган наказлар ҳақида гапириб берди. Вера ва Талабой Ражабовлар авиасозлар шаҳарчасида яшаб, Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қиладилар. Улар шаҳар транспорти ёмон ишлаётганлиги, авиация шаҳарчасидаги йўлларнинг қаровсизлиги тўғрисида сўзладилар, бирлашмага киравершидаги катта территорияни ободонлаштиришни таклиф этдилар. Депутатликка номзод Ражабовларнинг таклиф ва мулоҳазаларини Ҳамза район ижроия комитетига албатта етказиб, уларнинг бажарилишини назорат қилишини айтди.

— Хонадонларда, сайловчилар билан норасмий, оилавий суҳбат агитаторларимизнинг бугунги ишларига хос бўлган хислатдир, — деди Ҳамза районидаги 10-сайлов участкаси агитпунктининг мудири Л. Пивоварова, бу агитпункт «Звезда Востока» клуби биносида жойлашган. 80 агитаторнинг ҳар бирига 20—25 нафардан сайловчи тўғри келади. Агитпункт активлари ҳар бир квартирага бир неча мартадан кириб чиқишди. Сайлов олди кампаниясининг якунловчи босқичида агитаторлар билан биргаликда депутатликка номзодлар ҳам сайловчилар хонадонига меҳмон бўлиб келмоқдалар.

Ана шундай ташрифлар чоғида сайловчиларнинг барча таклиф ва наказлари махсус журналга ёзиб борилади. Бундай журнал бир неча йилдан бери юритилмоқда. Ана шу журналдан, депутатларнинг фаолияти ҳамда сайловдан сайловгача бўлган даврда юз берган социал ўзгаришлар ҳақида билиб олса бўлади.

Масалан, сайловчилар 1984 йилда ушбу дафтарга бирон нарса харид қилиш учун шаҳар марказига боришаётгани, микрорайонларда болалар майдончалари, хўжалик магазинлари, телефон-автоматлар йўқлигини ёзган эдилар. Ўтган йиллар мобайнида бу наказлар бажарилди. Шаҳарчада бозор очилди, яқинда эса болалар шаҳарчаси ҳам қуриб битказилди, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоғи кенгайди.

Агитпунктлардан ҳам одам аримайди. «Номзодларимиз», «Сайловдан сайловгача» деб аталган, чиройли безатилган стендлар, ўтказилаётган тадбирлар, бу ернинг файзи одамларни ўзига жалб этмоқда. Ҳафтада бир марта ўтказилаётган «Мен биринчи бор овоз бераман» мавзуидаги кечалар айниқса қизиқарли ўтмоқда. Бу йиғинларга клуб ёнида жойлашган тўртта ётоқхонада яшаётган ёшлар келмоқдалар. Бу кечаларни ўтказишга бирлашманинг энг яхши идеология кадрлари — лекторлар ва пропагандистлар, комсомол ва партия активлари жалб этилмоқда. Улар йигит ва қизларга бу галги сайловнинг хусусиятлари тўғрисида гапириш билан бир қаторда, ёшларни баҳсга, бугунги кун ҳақида қизиқарли ва ошкора суҳбатга тортмоқдалар.

Ана шундай кечалардан бирида йигит ва қизлар анчадан бери бир ниятлари амалга ошмаётганини айтишди, маълум бўлишича, бир неча йилдан буён ёзги рақс майдони қурилиши пайсалга солиб келинаётган экан. «Звезда Востока» клуби рўпарасидаги кенг майдонда эса ҳозирча сигирлар ва қўйлар ўтлаб юришибди... Худди шу ерга рақс майдончаси қурса бўларди.

Ана шу илтимосни депутатликка номзодлардан Е. Шубина, Т. Ильиналарга айтилди. Улар бирлашма раҳбарлари билан бу таклифни муҳокама қилиб, йигит ва қизларга рақс майдони қурилади, деб ваъда бердилар.

Агитпунктда ўтказилаётган бошқа тадбирлар ҳам сайловчиларга маъқул тушмоқда. Масалан, «Уй бекаси» клуби машғулотларига хотин-қизлар жонжон деб келмоқдалар, улар бу ерда рўзғорда зарур бўладиган кўп нарсаларни билиб олмоқдалар, пазандалик конкурсларида иштирок этмоқдалар. Эркаклар эса шахмат-шашка клубига, «Ер юзининг бугунги куни» университетининг машғулотларига қатнамоқдалар.

И. МУДАРИСОВ, ЎзТАГ мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Сайловни чинакам демократизм ва уюшқоқлик билан ўтказайлик

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида 21 июнь куни халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни ва район, шаҳар халқ судлари халқ судьялари сайловини ўтказиш масалалари хусусида кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва область ижроия комитетларининг, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ташкилий-инструкторлик бўлимларининг мудирлари, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети аппаратларининг масъул ходимлари қатнашдилар. Кенгашни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Р. Н. Нишонов бошқариб борди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Бекқулбековнинг сайловга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди. Фикрлашиб олиш жараёнида ҳозирги қайта қуриш шароитида сайлов кампаниясини чинакам демократик асосда ташкил этиш билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларига сайловни, янги сайланган Советларнинг биринчи сессияларини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказишни таъминлашнинг, халқ депутатларининг ўқишини ташкил этишнинг конкрет вазифалари белгиланди.



Собир Раҳимов районидаги 23-сайлов участкасида. Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси мутахассислари — сайлов участкасининг раиси Ч. Акбаров, агитатор Ю. Медникова ва агитпункт мудири Г. Курчастнова сайловчилар рўйхатини сўнгги бор кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЗАМОНДОШИМИЗ 70



Халқ номзодлари

Ижод қувончлари

Ҳаётнинг қувончли онлари. Инсон умрида бундай дамлар кўплаб бўлади. Ёдгор Саъдиев шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганида ўзига ишониб топширилган масъулиятдан ҳаяжонланди. Сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларда эса бу вазифанинг ҳам мушкул, ҳам шарафли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрида бир неча йилдан буён меҳнат қилаётган Е. Саъдиев ўзининг санъати, истеъдоди билан халқ орасида шуҳрат қозонмоқда. Унинг театр саҳнасида ижро этган қатор ролларни ўзбек санъатига ўзига хос улуш бўлиб қўшилди. «Бой ила хизматчи», «Юлдузли тунлар», «Ойна» спектаклларида ижро этилган Ғофир, Бобир, Арслон образлари, «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Жўра», «Енгилмас», «Армон» фильмларида ижро этилган ролпар санъат ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Ёшлик... Унутилмас онлар. Ёдгорнинг болалик йилларн ҳам худди кечагидек ёдида. У фарзандлари Ҳабибулло ва Мунисларга болалигида бўлиб ўтган қизиқарли воқеаларни тез-тез сўзлаб беришни яхши кўради. Албатта, бундай вақтларда ўғли Ҳабибулло ундан «Пахтакор» командаси ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўрайди. Актёр, моҳир дарвозабон бир неча йил республикамизнинг етакчи футбол командаси шарафини ҳимоя қилган дамларини тўлқинланиб эслайди.

— Ёдгорни мен ёшлигидан биламан, — дейди Ўзбекистон ССР халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. — Ҳозир ҳам у тиришқоқ, меҳнатсевар. Шунинг учун биз, яъни театр коллективи уни шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдик. Бу фақат бизнинг ишонч эмас, балки барча халқ ишончи. Ахир депутатларни халқ вакили деб бежиз айтишмаган.

— Ҳозир ишлар кўп, — деб ҳикоя қилади Е. Саъдиев. — Бўлиб ўтган учрашувларда дастлабки наказларни қабул қилиб олдим. Бу наказларни бажаришим эса халқ ишончини оқлаганим демакдир.

...Ёдгор Саъдиевнинг уйида доимо шўх кулгу, шодонлик. Чунки Ёдгорнинг қувончи, шодлиги меҳнат завқи билан.

Д. ЖАЛОЛОВ.

СУРАТДА: Е. Саъдиев онаси Маҳбуба опа ва акаси Ҳайрулла билан.

Т. Каримов фотоси.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Киров районидаги Герман Титов номли 96-ўрта мактабда жойлашган 18-сайлов участкасига яқинда тўртта сайлов округидан депутатликка номзодлари кўрсатилганлар ташриф буюрдилар. Учрашувда халқ депутатлари Киров район Советига номзоди кўрсатилган Киров район халқ контроли комитети раиси Д. Х. Исаев, астрономия институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Т. С. Йўлдошбоев ўртоқлар сўзга чиқиб, ўзларига билдирилган юксак ишончи шараф билан оқлашга сўз бердилар. Бу борада қуч-ғайратларини аямасликларини изҳор этдилар.

Маҳалла комитетининг раиси Кабир Комилов эса номзодларни дастлабки наказлар билан таништирди. Жумладан, маҳалланинг Киев кўчасида тугалланмай қолган канализация ишларини охирига етказишда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бугунги кун талаблари даражасига кўтаришда амалий ёрдам бериш сўралди. Мактаб ўқитувчиси П. Аниканов олти ёшли ўқувчиларга қўшимча битта синф хонаси ва актив-лар зали қуришда номзодларнинг ёрдами зарурлигини қайд этди.

Учрашув гоят қизиқарли ўтди, жонли мунозараларга бой бўлди. Сайлов куни бу участкага ташриф буюрган 2,5 минг яқин сайловчи ўз номзодлари учун якдиллик билан овоз- беради.

Д. ИКРОМОВА.

Уй муборак!

Тўқимачиларга совға

Шу кунларда Ивановолик тўқимачилар массивида уйжой бинолари бирин-сирин қад кўтармоқда. Бу ерда 9 қаватли 108-квартирали 3-уйда пардозлаш ишлари нихоясига етди. Мазкур бинони сифатли пардозлашда 3-уйсозлик комбинати 3-қурилиш бошқармасининг Р. Набиев бошлиқ комплекс бригадаси катта куч-ғайрат сарфладн.

Бригада 27 кишидан иборат. Уларнинг ҳар бири бир неча касбнинг моҳир устаси. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик олтин тўйи шарафига бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳар ойда 1200 сўмлик ўрнига 1500 сўмлик иш бажармоқда.

Бригада ўтган ойда 40 минг 500 сўмлик иш бажарнб, бошқармада илғорликни қўлга киритдн. Р. Зокиров, М. Маматқулов, А. Жўраевлар кундалик нормаларини 120—130 процентга бажаришмоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

Икки область бўйлаб

Бугун Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали театри санъаткорлари республикамиз дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш мақсадида Сурхондарё области бўйлаб сафарга чиқдилар. Шу ойнинг охиригача давом этадиган сафар чоғида музикали драма ва комедиялардан парчалар намойиш этилади.

Сурхондарё областининг кўпгина колхоз ва совхозлари ҳамда корхоналарида бўладиган учрашувларда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Наима Пўлатова, Адиба Мирзаева, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Меҳмонали Салимов, артистлардан Ҳаким Носиров, Абдуҳолиқ Мамарасулов, Ўсар Юсупов ва бошқалар қатнашади.

Театр артистлари июль ойида сафарни давом эттириб, Қашқадарё областига ўтадилар.

Маълумки, театр коллективи яқиндагина Қозоғистон ССРнинг Чимкент области бўйлаб гастролини муваффақиятли тамомлаган эди. Ўн ерда қозоқ томошабинлари тошкентлик артистлар ижросида бир қатор спектакллардан лавҳалар кўрдилар, ўзбек музикаси ва қўшиқларидан намуналар тингладилар.

Яна бир қулайлик

«Юнусобод массивининг 19-кварталидан «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» автостанциясига қатновчи маршрутдаги автобуслар бугун биринчи рейсларини ўтказишди. 96 «с» маршрутдаги бу автобус 8-автопаркка қарашли бўлиб, уларнинг юриш оралиқлари 11 минутни ташкил қилади. Ҳамшаҳарларимиз учун яратилган бу қулайлик эрта тонгда завод ва фабрикаларга борувчиларнинг оғирини енгиллаштиради. Шанба, якшанба кунлари эса автобуслар янги бунёд этилаётган Юнусобод массиви аҳолисини 15-20 минутда шаҳримизнинг энг йирик бозорларидан бири — Олой бозорига олиб келиши мумкин.

Ў. ХОНТАЕВ.

Телетайп лентасидан

● ТУНИС. Бу ерда Тунис Коммунистик партиясининг тўққизинчи съезди ўз ишини тугатди. Съезд делегатлари программа тусидаги снёсий ҳужжатни маъқулладилар. Шунингдек партиянинг очиқ фаолияти замонавий талабларга мос келадиган янги таҳрирдаги устави қабул қилинди. Делегатлар ҳамда съездда сўзга чиққан оппозициячи партиялар ва ҳаракатларнинг вакиллари ССРнинг тинчлик ташаббусларини якдиллик билан маъқулладилар. Тунис коммунистлари Фаластин, Африка жанубий ва Лотин Америкасидаги курашаётган халқлар билан, миллий озодлик ҳаракатлари билан бирдамлик изҳор қилдилар. Съезд партия Марказий Комитетининг янги составини сайлади. Муҳаммад Хармал яна Тунис Компартиясининг биринчи секретари этиб сайланди.

● ДЕҲЛИ. ҲИНДИСТОН пойтахтида, Хорьяна ва Панжоб штатларида, Чандигарх иттифоқ территориясида хавфсизликни таъминлашнинг кенг кўламли чора-тадбирлари қабул қилинди. ПТИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, бу жойларда ҳукумат ва давлат муассасаларини, аэропортлар ва темир йўл вокзалларини кўриқлаш кучайтирилди. Мамлакат ташқарисидан мадад олиб Ҳиндистоннинг территориал бутунлиги ва унинг бирлигига хавф солишга уринаётган Сикх террорчиларининг ҳуружлари кескин авж олганлиги муносабати билан катта шаҳарларга хавфсизлик кучларининг қўшимча контингентлари келтирилди. Якшанбага ўтар кечаси бузғунчилар жиноятлари натижасида Деҳлида тинч аҳолидан 14 киши ҳалок бўлди. Шимоли-ғарбий Панжоб штатида сўнгги кунда каллакесарлар 17 кишини ўлдирдилар. Уларнинг орасида Ҳиндистон миллий конгресси (И) ва Акали дал партияларининг таниқли снёсий арбоблари бор.

● ВАРШАВА. Польшанинг Познань шаҳрида 59-халқаро савдо-саноат ярмаркаси очилди. Ярмаркада қарийб 38 мамлакатдан 2100 та фирма қатнашмоқда. Польшанинг 1800 га яқин корхона ва ташқи савдо бирлашмалари Познанда ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Анъанага кўра, Совет Иттифоқи виставканинг чет эллик энг катта қатнашчиларидан биридир. СССР экспозицияси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган. Совет—Польша ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш — павильоннинг етакчи мавзуидир. Томошабинлар иккала мамлакатнинг қалин кооперацияси ва бевосита ҳамкорлиги доирасида яратилган маҳсулот ва буюмлар билан танишиб чиқа оладилар. Улар орасида — «Интерэлектро» системаси доирасида ишлаб чиқилган асинхрон электр моторлар, пармаловчи қурилма модели, Варшавадаги «Урсус» трактор заводида ясалган радиатор қўйилган «Белорусь» трактори бор. Совет Белоруссияси алоҳида тематик экспозицияя кўрсатади.

● АММОН. Шарқий Қуддус араб аҳолисидан юзлаб киши кеча Исроилга қарши оммавий ғалаёнларда қатнашдилар. Студентлар, мактаб ўқувчилари, ишчи ва хизматчилар, аёллар ва болалардан иборат намойишчилар шаҳар кўчаларидан ўтиб, Фаластин озодлик ташкилотини қўллаб-қувватловчи шиорларни қайта-қайта такрорладилар, исроиллик босқинчиларнинг жабр-зулми ва зўравонлигига тўхтатилишини талаб қилдилар. Ғалаёнларнинг қатнашчиларидан анчагина киши ушлаб, қамоққа олиб кетилди.

Рамаллах шаҳрида ҳарбий трибунал маъмурларга қаршилик қилди, деган сийқа айб билан фаластинлик икки ватанпарварни 13 ва 14 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

● ПЕКИН. Самогон қилиш ва сотиш билан шуғулланиб келган 38 яшар деҳқон Юй Чжэнган Жануби-Ғарбий Хитойдаги Гуйчжоу вилояти олий табақа судининг қарорига биноан ўлимга ҳукм қилинди. Юй Чжэнган химиявий препарат савдогарлари бўлмиш ака-ука Юанлардан олган метил спиртида тайёрлаган «маҳсулот» истеъмол қилинганидан кейин 13 киши нобуд бўлиб, икки киши кўр бўлиб қолганлиги шундай шафқатсиз ҳукм чиқарилишига асос бўлди.

Синьхуа агентлигининг ҳабар қилишича, Юй Чжэнган устидан чиқарилган ҳукм ижро этилган. Судниг қарорига биноан 26 яшар гумашта Юань Кэцзянь умрбод қамоқ жазосига, қолганлари турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Тез орада бошқа бир самогончи — Ван Фуго исмли деҳқон суд қилинади, деб таъкидлайди агентлик. У тайёрлаган оғуни истеъмол қилган 11 киши нобуд бўлган, бир неча киши бутунлай кўр бўлиб қолган, 447 киши турли даражада заҳарланиб касалхонага тушган.

Атеистик тарбиянинг жанговарлиги учун

№ 6 (144)

ДАВР ТАҚОЗОСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида диний хурофотларга ва айниқса, атеистик тарбияни сафсатабозликдан иборат шиорлар билан ниқоблашга уринишларга қарши кескин кураш олиб бориш кераклигини алоҳида уқтирилди.

Жамоатчи мухбиримиз Октябрь районидаги 45-ЖЭК бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, «Билим» жамиятининг аъзоси С. Тоиров билан ана шу актуал вазифалар ҳақида суҳбатлашди.

— Пленумда айтилганидек, бунга фақат ўтмиш сарқитларигина эмас, айни вақтда ўзимизнинг ишимиздаги хатолар ҳам сабаб бўлмоқда, бундай хатолардан энг ёмони ишдаги бепарволик ва лоқайдликдир. Буни мен ана шу анжуманнинг энг муҳим хулосаларидан бири деб биламан.

Қарийб йигирма беш йилдан буён узлуксиз ташвиқот-тарғибот ишлари билан шуғулланаман. Пенсияга чиққанимдан кейин эса лекторлик асосий фаолиятимга айланди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси сифатида кўпроқ ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида лекция ишларини олиб бораман. Аммо бу менинг атеизм билан шуғулланишимга халақит бермайди. Бу борада аввало шуни айтиш керакки, одамларда юксак ватанпарварликни, Ватанга садоқатни тарбиялаш атеизм билан чамбарчас боғлангандир.

Октябрь районидаги «Марказ—27» кварталида биз ана шу масалаларга асосий эътиборни қаратаяпмиз. Бу соҳада якка-ёлғиз эмасмиз. 49-ЖЭК ихтиёрида 22 коммунист бор. Уларнинг кўпчилиги уруш қатнашчилари, меҳнат ветеранларидир. Виктор Тарасченко, Мўмин Мирзаев, Рашид Нурматов, Ёқубжон Тошхўжаевлар ўзларининг яхши сўз ва маслаҳатлари, ташвиқотчилик ишлари билан кўпчиликнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлганлар.

Жойларда совет турмуш тарзини, совет байрамларини ва анъаналарини пропаганда қилиш, диндорларнинг шахсини камситмаган ҳолда, уларнинг руҳига, қалбига таъсир кўрсата билишга ҳаракат қиламиз. Бугина эмас, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғояларини ҳаётга сингдириш, партия ва давлатимизнинг ички ва халқаро ҳаётда олиб бораётган ажойиб ишларини одамлар онгига етказиш, ахлоқ ва одоб мавзулари, ички ибозликка қарши кураш, тартибузарлик ҳолатларининг олдини олишга ҳам алоҳида аҳамият беряпмиз. Шу ўринда клуб мудири Мирвосил Мусаевнинг оммавий-маданий ишларни кучайтиришга бағишланган лекциялари кишиларда жуда зўр таассурот қолдираётганлигини айтиб ўтиш керак.

Ўқилаётган лекциялар ва ўтказилаётган тадбирларнинг самараси сезилмоқда, албатта. Тўйларимиз янгича ва мазмунли, ичкиликсиз ўтмоқда.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ишимиздаги баъзи камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Яқинда Кўкчадаги маҳжидда қариялар билан бобар ўсмирнинг бошини жойнамозга ураётганининг гувоҳи бўлдим. Бунинг учун дафъатан уни айблаш инсофдан эмас. Лекин диндор ота-онанинг унга таъсири билиниб турибди. Бундай ўсмирнинг мактабда ҳам ўқишлари яхши деб бўлмайди. Ҳойнаҳой, ота-она ўзи кўр-кўрона ишонган диний ақидага нега фарзандини ҳам ана шундай сохта эътиқодга ишонишга мажбур этади?

Бу айни вақтда бизнинг ҳам ишимиздаги жиддий камчиликлардан биридир. Маҳаллада ва бошқа жойларда кўпчилик ҳузурида лекциялар ўқиб, гавжум заллар, тантанали минбарларга ўрганиб қолганмиз. Бевосита турар-жойларда яккама-якка суҳбатларга ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз. Ҳолбуки, бугунги қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни аввалambor одамларнинг, ҳар бир кишининг қалби орқали ўтадиган, медиклар тили билан айтганда, шифобахш ниначидир. Ана шу оддий нарсага янгича назар билан қаролмаяпмиз. Кўп сонли лекторларнинг минбарларга етган қадами аҳоли истиқомат қилаётган жойларга, одамлар остонасига келганда узилиб қолмоқда. Кишилар онгига таъсир этиш биринчи навбатда ҳар бир конкрет шахс учун курашиш кераклигини унутмаслигимиз зарур.

Зотан, идеология ишларини атрофлича муҳокама қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми бугунги кунда ана шуни талаб қилмоқда.

Суҳбатни
Э. ҲАЙДАРОВ
ёзиб олди.



Ёшларни атеистик руҳда тарбиялашга Собир Раҳимов районидаги В. И. Ленин номли 28-мактабда катта эътибор қаратилди .Бу мактабда тарих ўқитувчиларининг семинари ташкил этилиб, бу борадаги иш режалари белгилаб олинган.

СУРАТДА: атеистик мавзудаги янги материаллар билан танишиш.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Муҳим эътибор

.В И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети қошида ташкил этилган интернационал дўстлик клубида ёшларнинг атеистик тарбияси масалаларига муҳим эътибор қаратиляпти. Интернационал дўстлик клуби етакчиси З. Мирзаалиев билан суҳбатлашдик.

— Кузи кеча «Ислом ва икки нуқтаи назар» мавзусида фалсафа -иқтисод, ҳуқуқшунослик ва шарқшунослик факультетлари студентларининг баҳс-мунозаралари бўлиб ўтди. Баъзи ёшлар онгидаги эскилик қолдиқларига қарши қандай кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида гапиришди. Студентлардан фалсафа ва иқтисод факультетидан С. Иброҳимов, ҳуқуқшунослик факультетидан Ш. Тожибоев, А. Суюнов, шарқшунослик факультетининг кўпчилик студентлари ўзларининг атеистик тарбия ҳақидаги фикрларини ўртага ташлашди. Мақсадимиз янги ўқув йилидан бошлаб «Илмий коммунизм» ва «Атеизм» кафедралари билан ҳамкорликда иш олиб. боришдир. Бунда студентлар ўз олган билимлари асосида атеистик тарбиянинг аҳамияти ва роли ҳақида шаҳар ва районларнинг турли хўжаликларини оталиққа олиб, лекциялар ўқишади. Бу масалага кўпроқ фалсафа ва иқтисод факультети, журналистика факультетти студентларини жалб қилмоқчимиз. Ёшларни кўпроқ ижодий ишга жалб қилишдан мақсад, ВЛКСМ XX съездида таъкидланганидек, уларнинг ўз устларида ишлаш, янгилик яратиш туйғусини шакллантириш, жанговар атеистлар қилиб етиштиришдир.

О. ЁҚУБОВА,
ТошДУ студенти.

Ҳамкорлик самараси

М. И. Калинин номли маҳалла Октябрь бозорининг ёнгинасида жойлашган. Маҳаллада юздан ортиқ хонадон бор. Шу ерлик аҳоли бундан уч йил аввал коммунист Қобил ака Ориповни маҳалле комитетига раис этиб сайлаган эди. Ушандан бери Қобил ака кекса-ю, ёш билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Маҳалла комитети активлари, мутахассислар, пропагандистлар аҳоли билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб турадилар. Айниқса, илмий-атеистик мавзудаги лекциялар қизиқарли ўтмоқда. Кўпчилик вақтларда аҳоли лекторларни саволларга кўмиб ташлайдилар. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва 4-поликлиника врачлари билан биргаликда уюштирилаётган саволжавоб кечалари эса «хурофот ботқоғи»га ботган кишиларга зарба бермоқда. Участка врачи Насиба Абророва касалликлар ҳақидаги кўргазмалар, бюллетенлар ёрдамида саводсиз табибларга ишониш, уларнинг «куфсуф»ларини бажариш оқибатида келиб чиқаётган касалликлар тўғрисида сермазмун лекциялар ўқимоқда.

Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Ўтган йили рўза тутиш, ифторлик, «қурбон ҳайит» ўтказиш, бешик тўйлари қилиш кабилар бирмунча камайди.

Чақирилувчиларни Совет Армиясига кузатиш вақтларида баъзи хонадонларда диний сарқитларга боғлаб юборишхоллари ҳам учраб туради. Маҳалла активи бамаслаҳат иш тутиб, ўз клубларида «Ҳарбий хизматга чақирилувчилар кечаси»ни ўтказадиган бўлишди. Ёшлар ўртасида чойхонага чиқиб, тенгқурлар билан суҳбат қуриш одати оммавийлашиб бормоқда.

Шунинг учун маҳалла чойхонасида диний иллатларни фош қилувчи «Дин ва ҳозирги замон», «Янгича ҳаёт, янгича анъаналар», «Мулланинг даромад манбаи» каби стендлар, «Ичкилик-оғу» плакатлари комплекти ташкил этилган.

Маҳалла активлари навбатдаги вазифалар қаторига янг кўпгина мавзулардаги— ёшларни кексаларни ҳурмат қилишга ўргатиш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, касб танлаш, ичкиликбозлик оқибатлари каби мавзуларда лекциялар ўтказишни планлаштириб қўйганлар.

М. ДАМИНОВ

Клубда мунозара

Маълумки, «Фарғона» чойхонаси қошида ўтган йили «Атеистлар клуби» ташкил этилган эди. Клубга райондаги мактаб, медицина ходимлари ҳамда ҳар бир маҳалланинг актив пропагандистлари жалб этилган. Ҳар 2 ойда бир маротаба бўлиб турадиган йиғилишда, асосан, атеистик мавзуга доир масалалар муҳокама қилинади. Лекторлик учун Тошкент политехника институти ва «Билим» жамиятидан олимлар, мутахассис-ўқитувчилар таклиф этилади.

Яқинда ўтказилган йиғилиш ҳам таъсирчан ўтди. Суҳбатни биринчи бўлиб, Тошкент Давлат университетидан келган фалсафа фанлари кандидати Нуриддин Эгамбердиев бошлаб беради.

— Бугунги суҳбатни, — деди у, — асосан инсонни хотирлашга, уни эъзозлашга бағишламоқчимиз. Маълумки, инсонни тириклигида ҳам, вафот этганидан сўнг ҳам эъзозлаш, хотирлаб бориш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Вафот этган ота-оналар ёки яқин қариндош-уруғларни ўтмишда ҳам хотирлаб турилган. Аммо бу халқ анъанасидан фойдаланган руҳонийлар ўз манфаатларини ўйлаб, диний маросимга айлантиришга ҳаракат қилганлар. Шу туфайли ҳам уларга бирор нарса ҳадя этишдан ожиз бўлган меҳнаткаш омма хотира кунларини ўтказиш имкониятига эга бўлмаган. Чунки ота-онасини хотирлаган киши албатта домланимом бошлиқ 10-15 кишини уйига чорлаши зарур бўлган. Ўзига тўқ ёки бойлар руҳонийларнинг талабини бажарганлар, аммо қабристонда ётган отаси ёки онасининг қабрини тозалаб қўйишга қўли тегмаган. Биз ёшлигимизда қабристонга кириштан қўрқар эдик. Чунки кўпчилик мозорлар ғовлаб кетган чангалзордан иборат бўлиб, ичида йиртқич ҳайвонлар изғирди. Ҳозирги 6—7 яшар бола ҳам отаси ёки бобоси билан бемалол қабристонга кириб айланиб чиқади. Экилган гул ва манзарали дарахтларга сув қўйиб хурсанд бўлади. Катталарнинг суҳбати билан шу ерда ётганлар ким эканлигини англайди, ҳаётни чуқур тушуна бошлайди. Бу ёш авлодни ота-боболарга ҳурмат руҳида тарбиялаш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундан сўнг тингловчилар бир неча саволлар билан лекторларга мурожаат қилдилар.

Фалсафа фанлари доктори Анвар Абдусамедов баъзи саволларга жавоб бериб ўтди.

— Дафн маросими, — деди у, — инсон ҳаётининг энг сўнгги нуқтаси. Бу маросимда барча иштирок этмоғи зарур. Таъзия эгасига ҳамдардлик билдириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи, аммо жаноза масаласига келганда (бу диний маросим), комсомоллар, коммунистлар иштирок этишн Уставга тўғри келмайди. Шунингдек, бошқа диний маросимлардан коммунистлар ўзларини четга олмоқлари зарур. Бизнингча, дафн маросимида коммунистлар кузатувчи бўлиб турмай, балки марҳум тириклик вақтида халқ учун хизмат қилган бўлса ёки Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ҳисобланса, албатта у ҳақда қабр тепасида марҳумнинг ўтмишини ёдга олиши, халққа қилган хизматини айтиб ўтиши зарур.

Яна бир савол:

— Кимларга, қай тарзда ёдгорлик ўрнатиш керак?

— Жуда тўғри савол. Бу ҳақда ҳали маълум қўлланма чиқарилмаган бўлса-да аммо менинг фикримча, аввало ёдгорликни биринчи навбатда Совет ҳокимияти учун жон фидо қилган коммунистлар, комсомоллар учун ўрнатиш зарур. Ўрнатиладиган ёдгорлик марҳумнинг ўтмишдаги хизматига қараб белгиланиши керак. Таниқли кишилар эл-юртга садоқат билан хизмат қилганлар, шу жумладан марҳум санъаткорлар учун қўйиладиган ҳайкал ёки бюстлар кишиларда ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш бизда нақадар эъзозланишини эслатиб турсин. Қолганлар учун қўйиладиган мармар тошлар маълум формада, стандарт кўринишда бўлгани яхши. Ана шунда мозорларда ўрнатилган ёдгорликлар ғашга тегмайди. Лекин шу кунгача қўйилган ёдгорликлар орасида айрим шахслар томонидан қўйилган ёдгорликлар мутлақо ҳозир биз айтаётган талабларга жавоб бермайди. Шу билан бирга мармарга ёзилган лавҳа ва шеърлар ҳам марҳумнинг ўтмишдаги хизматига монанд бўлиши зарур. Бизнингча бу масалаларни асосан гражданларга хизмат қилувчи ташкилот — «Гулистон»нинг назорат остига олгани маъқул.

Ана шу каби саволларга ТошДУнинг ўқитувчиси Абдуғани Набиев, Собир Раҳимов район ижроия комитетининг вакиллари ва бошқалар жавоб бердилар.

Х. ИЛДОШЕВ,
«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Булар замонавий келин-куёвлар бўлишгани билан сизга ихлослари баланд...

* * *

— Бунча ҳасиссиз, яна беш сўм чўзинг!

Р. Аҳмедов ва Ш. Субхонов расмлари.



«СОАТ» ОПЕРАЦИЯСИ

Ранжитган бўлсак узр...

Ҳақиқат бўлса, тартиб ҳам бўлади, деб бежиз айтишмаган. Рўй-ростлик, кенг ошкоралик қарор топган жойда ўзаро талабчанлик ҳам ортади, камчиликлар дадилроқ танқид қилинади. Камчиликларни танқид қилиш эса ҳаммага ишга ёрдам беради.

Редакция маиший хизмат кўрсатишдаги камчиликлар ҳақида оқшомхонлардан кўплаб хатлар олмоқда. Бу хатларнинг аксариятида газетхонлар «Техсложбытприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси соатсозларининг ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараётганликлари, соатларнинг сифатсиз ремонт қилишаётгани, мижозларга қўпол муомалада бўлаётгани, соат ремонти учун ўз билганларича ҳақ олишаётгани ҳақида ёзишмоқда. Биз охирги мақаланн ўргандик.

Нега прейскурант ҳамма устахоналар учун ягона (1984 йил, Б—3604) бўлсада, усталар мижозлардан бир хил иш учун ҳар хил ҳақ олишяпти?

Редакция ана шу масалага аниқлик киритиш мақсадида рейд ташкил этди. У шартли «Соат» операцияси деб аталди. Газета мухбирига суҳбатдошларнинг овозини ёзиб олиш учун магнитафон ҳам ажратилди.

Шундай қилиб, операция планн бўйича биринчи объектга келиб тўхтадик. Темирйўл вокзали яқинидаги Т. Шевченко кўчасида жойлашган 10-бўлимда уста Ю. Ягудаевдан бошқа ҳеч ким кўринмасдн. «Ракета» маркали соатни узатдик.

— Янги ойна ва стрелка қўйиб берсангиз.

Уста соат стрелкасини кўриб, синган ойнасини ташлаб юборди-да:

— 5 сўм 38 тийин бўлади, — деди.

— Жуда қиммат-ку, — дедик биз.

— Нимаси қиммат? — деди уста. — Стрелка учун 8 тийин, ойна учун 15 тийин, умумий ремонтига 5 сўм 5 тийин, ҳаммаси бўлиб 5 сўм 38 тийин. Олти ойга гарантия ҳам берилади.

Р. Ягудаевдан соатни қайтариб олдик-да яқин атрофдаги ҳамкасблари бизнинг юрганимиздан воқиф бўлиб қолмасин деб, чақконлик билан машинага ўтириб Госпиталь бозори ёнида жойлашган 9-бўлимга бордик. Соатни қўлига олган уста уни очиб кўриб:

— Стрелка ва ойнасини алмаштириш билан бирга оёқчасини ҳам тузатиш лозим,— деди.

— Неча сўм бўлади?

— 53 тийин тўлайсиз, ярим соатда тайёр бўлади, — деб қолди. Ана шунда қувониб кетганимдан:

— Нима учун 53 тийин? — деб юбордим.

— Ойнаси 15 тийин, оёқчаси 20 тийин, стрелкаси 8 тийин ва уни қўйиб бериш учун 10 тийин тўлайсиз. Ҳаммаси бўлиб 53 тийин.

Нима қиларимни билмай қолдим. Назаримда операция барбод бўлаётгандек туюлди. Устанинг ҳалоллигидан ичичимдан қувонаётган бўлсам ҳам: «Кейинроқ келаман» дедиму, соатни қайтариб олиб, йўлимда давом этдим.

Навбатдаги объект «Россия» меҳмонхонаси фойесида жойлашган. Уста Р. Рубинов соатнинг у ёқ-бу ёғини кўрган бўлиб:

— 6 сўм 15 тийин бўлади, — деди.

— Неча кунда тайёр бўларкин? — сўрадим ундан.

— Тўрт кундан кейин...

Ўйланиб қолдим. Уста хаёл сурнб турганимни, қиммат айтиб юбордимов, деганга йўйиб:

— Умумий ремонти 5 сўм 5 тийин, ойна қўйиш 60 тийин, стрелкаси 50 тийин туради,— деди.

— Йўқ, қимматлик қилади,— деб соатни қайтариб олдимда, навбатдаги объектга шошилдим.

Редакция марказий универсал магазинида жойлашган 18-устахонада мижозларга қониқарсиз хизмат кўрсатилаётганн ҳақида шикоят хатлар олардн. Бу устахона ҳозир қандай хизмат кўрсатаётган экан? Бир бориб кўрайликчи, дедигу ўша устахонага бордик.

Соат қабул қилиб олувчи Н. Гунаеванинг мижозлар билан қилаётган муомаласи энсамизни қотирди. Газетхонлар бекорга шикоят ёзишмаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Бунақа соатга тушадиган ойна бизда йўқ. Бир йилдан бери олмаймиз, — деди у.

— Наҳотки?..

Чунки олдинги устахоналарнинг биронтасида «Ракета» маркали соатнинг ойнаси йўқ, деб айтишмаган эди.

— Бошқа устахонага олиб боринг, — деди у ва соатни қайтариб берди.

Четга чиқиб, Н. Гунаеванинг ишини зимдан кузатдим. У кўпчилик мижозларга «у йўқ, бу йўқ» баҳонаси билан соатларини қайтариб берарди.

Бизга маълум қилишларича, бу устахона ҳар куни аҳолига 700 сўмлик, бир ойда 15 минг сўмлик хизмат кўрсатар экан. Мижозлар бундай қайтарилса устахонадагилар қандай қилиб планларини бажаришаётган экан билмадик.

Марказий универсал магазин ёнидаги трамвайларнинг айлана бекатидаги 1-бўлимда мижозлар кўп. Навбатда туриб қабул қилиб олувчи И. Бекчуринага соатни узатдим. У очиб кўриб қоғозга 5 сўм 5 тийин, 15, 50 рақамини ёзди-да:

— 5 сўм 70 тийин бўлади, — деди у, ниҳоят.

— Йўқ, тўғри келмайди, — деб соатни қайтариб олдим.

Ўйлаб туриб соатни ана шу устахонанинг мудири Б. Давидовга ҳам кўрсатдим. Уста соатни қўлига олиб, яхшилаб кўрди-да, прейскурант китобчанинг «Ракета» соатлари» деб ёзилган бандини очиб:

— 6 сўм 80 тийин бўлади, тез ремонти учун 20 процент ҳақ олинади, — деди.

— Тез ремонти неча сутка?

— Икки кун.

Бу олдинги ҳамма устахоналарда айтилган нархлардан энг қиммати эди. Бизни ажаблантирган нарса шу бўлдики, устахонада бузилган бир хил соатни тузатиш учун ҳар хил нарх қўйишарди. Уларнинг қайси бирига ишониш керак.

Яна бир қанча соатсозларга учрашдик. Ҳамма ерда аҳвол деярли юқоридагидек эди. 52-устахонадаги соатсоз А. Аъзамов қўлига «Ракета» соатини олиб турнб, яхшилаб қарамасдан:

— 5 сўм бўлади, — деб юборди.

— Нега? — деганимиздан сўнг, ҳисоб-китобни аниқ айтди. Шунда ҳам олти сўмга бориб қолди.

Фақат 26-устахонадагина З. Ризқулов соатни яхшилаб кўриб, стрелкасини қўйиш, ойнасини алмаштириш, оёқчасини тузатиш учун 53 тийин сўради.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, текшириш ўтказилган ўнта устахонадан фақат иккитасида соатни тузатиш учун бир хил нарх айтишди. Ваҳолонки, ҳамма устахоналарда прейскурант китобчаси бир хил бўлиб, юқорида айтганимиздек, 1984 йилнинг январь ойидан кучга кирган.

Ҳозир шаҳримиздаги 60 устахонанинг 50 таси шартнома асосида рўйхатга олиш усулида ишламоқда. Соатсозлар бу усул бир қанча қулайликларга эга эканлигини айтишмоқда. Чунки оддий ремонт ишлари бирлашма корхонасига юборилмасдан устахонанинг ўзида бажариб берилади. Бунда мижозга квитанция ўрнига гарантия талони ёзилади, майда ремонт ишлари ҳеч қандай қоғозсиз нақд пулга бажарилади. Аммо бу оғизга келган ҳақни сўраш деган гап эмаску.

Бу камчилик эгаларига, тўғрироғи куппа-кундузи, уялмай-нетмай оғзига сиққан нархни айтувчи усталарга, бу уятку, деб қўювчилар топилар.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
махсус мухбиримиз.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ДУНЁ АЙЛАНАСИ БЎЙЛАБ УЧИШ

ВАШИНГТОН. Бир моторли «Пайпер малибу» самолётининг дунё айланаси бўйлаб учиши давом эттирилади. Бу учиш шу йил 11 февралда тўсатдан тўхтатиб қўйилганди. Америкалик Нортон ва ГФРдан Розетти шундай қарорга келдилар. Улар Шимолий муз океанидаги Принс—Патрик оролига мажбуран қўнгандилар.

Илгари хабар берилганидек, бундан тўрт ой аввал 50 градусли совуқ учувчиларнинг авиация тарихида биринчи марта ер куррасини шимолий ва жанубий қутблар орқали айланиб учиш режаларига ҳалақит берганди. Уларнинг яхлаб қолган самолётларини маррага — Париж аэродромига 5 минг километр қолганида Канада шимолий қирғоғи яқинидаги овлоқ оролга қўндиришларига тўғри келганди. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, учувчилар омадлари юришмаганлигига қарамай, ҳозир учишни давом эттиришга яна бел боғлаганлар.

Нортон ва Розетти оролдаги самолёт ёнига қайтиб келиб, узоқ вақт музликлар орасида турган «Пайпер малибу» яхши ҳолатда эканлигини кўриб ҳайрон қолдилар, у жиндек ремонтдан кейин ҳавога кўтарилишга тайёрдир. Улар Принс-Патрикдаги биргина телефон орқали журналистлар билан боғланиб, «орзумизнинг амалга ошишига ишонамиз», — дедилар.

Режага кўра, «Пайпер малибу» Принс—Патрик оролидан парвоз қилиб, Шпицберген оролига, ундан кейин ёнилғи тўлдириб олиш учун Норвегия пойтахти Ослога қўниши ва узунлиги қарийб 45 минг километрга борадиган йўлнинг сўнгги босқичидан ўтиб, Парижди аэродромга қўниши керак. Самолёт шу йил февралида бу аэродромдан старт олганди.

ОКЕАНОЛОГЛАР КОНГРЕССИ ТУГАДИ

ГАВАНА. Бу ерда бўлиб ўтган «Маркуба—87» океанологлар биринчи миллий конгресси Кубанинг бой денгиз ресурсларидан республика социал-иқтисодий тараққиёти эҳтиёжлари учун рационал фойдаланишга реал ҳисса қўшди. Конгресс ишида Кубанинг илмий ходимлари билан бирга аҳоннинг 11 мамлакатидан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган олимлар қатнашди.

Конгресс кун тартибида Куба қирғоқлари ёнида балиқ тутишнинг мақбул шароитлари, денгиз ҳайвонларини сунъий равишда урчитиш, жуда катта океан оқимларининг балиқчиликка таъсири, денгиз ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш, Кариб ҳавзаси ва Мексика кўрфазининг экологик проблемалари масалалари ва бошқа кўп масалалар бор эди. Конгресснинг конкрет натижалари уни ташкил этган кишиларнинг кутганларидан ҳам зиёда бўлиб чиқди, деди Куба миллий океанография комитетининг раиси Гильермо Гарсиа илмий анжуман ёпилиши олдидан ўтказилган матбуот конференциясида. Кубалик океанологларнинг илмий изланиш натижалари халқ хўжалигига хизмат қилишга бўй-сундирилаётганлиги айниқса муҳимдир.

Яқин келажакда, деди Г. Гарсиа, Куба ўзининг биринчи океанографик кемаси «Улисес»га эга бўлади. Ҳозир бу кема Испанияда қурилмоқда. Ушбу кемада ўтказиладиган биринчи илмий экспедициянинг программаси аллақачоноқ белгилаб олинган: Куба овлаётган лангустлар ҳаёти ўрганилади.

Конгрессга тақдим этилган 200 дан ортиқ илмий асарлар орасида Куба қирғоқ бўйи сувларида ҳамда жаҳонга машҳур Варадеро курорти жойлашган Икакос ярим ороли районида Совет-Куба қўшма геологик қидирувлари тўғрисида қилинган докладлар конгресс қатнашчиларининг катта қизиқишларига сазовор бўлди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕРЛИН. Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик давлатларнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ҳозирги даврнинг жаҳоншумул проблемаларини ҳал этиш борасидаги амалий ва реалистик таклифларини ГДР гражданлари яқдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар, бу таклифлар уларнинг тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшишга ахду паймонини кучайтирмоқда. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг раиси Вилли Штоф Болгария Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, фан ва техника тараққиёти Давлат Комитетининг раиси Стоян Марков билан кеча бу ерда бўлиб ўтган учрашув чоғида ана шу гапларни айтди. Улар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитети Берлин кенгашининг якунларига юксак баҳо бердилар.

* * *

ХАРАРЕ. Империалистик давлатлар Афғонистонга қарши қўпорувчиликдан иборат радиопропагандани кучайтириб, миллий ярашув жараёнини барбод этишга уринмоқдалар, деди Бахтар ахборот агентлиги комитетининг бош президенти Сарвар Юреш.У Зимбабве пойтахтида ўтаётган қўшилмаган мамлакатлар ахборот министрларининг иккинчи конференциясида пайшанба куни сўзга чиқиб, мамлакатдаги воқеаларни бузиб кўрсатиш учун Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари ҳар қандай усуллардан фойдаланаётганлигини таъкидлади. Афғонистон вакили Америка маъмуриятини каллакесарлар тўдаларини бевосита қўллаб-қувватлашда ва мамлакатнинг қонуний ҳукуматига қарши эълон қилинмаган урушни кучайтиришда айблади. Бироқ, афғон халқи революцион ғалабаларни қўшёрлик билан қўриқлашга қатъий бел боғлаган.

* * *

ЭСПО. Бу ерда Хельсинкига яқин жойда «Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги келажагига технологиянинг таъсири» мавзусида халқаро конференция очилди. Конференцияда социалистик ва капиталистик мамлакатлардан келган 160 дан ортиқ олимлар қатнашмоқда. Улар технология тараққиёти, Европа давлатларининг хавфсизлиги ва ҳамкорлиги проблемаларини муҳокама қилмоқдалар.

Финляндия ташқи ишлар министри Калеви Сорса анжуман қатнашчиларини табриклади. У конференция СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши белгилари пайдо бўлган пайтда ўтаётганлигини таъкидлади. Анжуманда янги технологияларни ривожлантиришнинг ҳарбий жиҳатлари тўғрисидаги муҳим масала кўриб чиқилиши керак, деди Сорса, шу сабабли Европа хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзда тутиб, уларни контрол қилиш проблемасини ҳал этишга тўғри ёндашувини ишлаб чиқиш зарур.

Калейдоскоп

ТОҚҚА ВЕЛОСИПЕДДА

Ява оролидаги Махамера тоғига чиқиш учун индонезиялик икки ёш — Самартна Салим ва Хертади Мас ўзига хос услубни қўллашди. Улар тоғни... велосипедда забт этишди.

3676 метрлик баландликка улар тўрт кун давомида чиқишди. Йигитлар асосий йўлни велосипедда босиб ўтиб, қия чўққилар келганда эса велосипедларни қопчиқларидан юк сифатида жой олди.

ҮҒИРЛИК КАМАЙДИ

Швецияда кўпгина ўз-ўзига хизмат қилувчи магазин эгалари сотув залларига полициячиларнинг фигураларини ўрнатишди.

Статистиканинг хабар қилишича, ҳозирги вақтда мол ўғирлаш етмиш процентга камайган, деб хабар қилади Югославиянинг «Политикин забавник» журнали.

«ХИТОЙНИНГ ҒАМ-ҒУССАСИ»

ХХРдаги энг улкан дарёлардан ҳисобланган Хуанхэнинг иккинчи номи ҳам мавжуд. Сувнинг бебошлиги туфайли унга «Хитойнинг ғам-ғуссаси» деб ном қўйишган.

Эрамиздан аввалги олтинчи асрдан бошлаб Хуанхэ 26 марта ўз йўналишини ўзгартирган, бир неча бор сув қирғоқлардан тошиб ҳам кетиб, қанчадан-қанча кулфатлар келтирган.

Кейинги 40 йил мобайнида Хуанхэда тўғон ва қирғоқларни мустаҳкамлаш борасида бир қанча ишлар қилинди. Бу ишларнинг бажарилиши ижобий самара бериши табиий. Бу ерда сув тошқини ўн метрдан ошарди. Хуанхэ бўйида қилинган ишлар Панама Сувайш каналларида қилинган ишлардан уч ва икки марта кўпдир.

Фан оламида нима гап?

ЕР ҚОБИ ҒИНИНГ СИРИ

Геолог олимларимиз жонажон Коммунистик партиямиз кўрсатмалари асосида фан ва техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, геология, геофизика, геотектоника фанларининг ривожланишига салмоқли улуш ва янгиликлар киритишмоқда.

Маълумки, фан ва техниканинг кенг кўламда ривожланиши космик фазони, қуёш системасига кирувчи планеталарнинг узвий алоқадорлигини мукаммал ўрганишга кенг йўл очиб берди. Ер шарининг ўта чуқур (40-45 километр) қатламларини ўрганишда геофизик усуллар қўлланиб Конрад, Махоровичич, Галицин, Мантай қатламларининг хусусиятларига оид маълумотлар олиниб, ядронинг таркибини тасвирловчи қонуниятлар ўрганилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг шимолидаги Оқ денгиз қамраб олган Кольск ярим оролида парамалаш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса назарий геология фанини ривожлантиришда биринчи қадамдир. Ер шарининг ўта чуқур қатламларини ўрганиш, улардан геологик маълумотлар олиш инсониятнинг кўпдан бери кутаётган орзуси эди. Ниҳоят орзу рўёбга чиқиб, замонавий техник воситаларни қўллаш билан шу ўн йилликнинг дастлабки даврларидан эътиборан ўта чуқурликдаги қатламлар ҳар томонлама ўрганила бошланди.

Кольск ярим оролидаги парамалаш ишлари натижасида дунёда биринчи бўлиб 12 километру 300 метр чуқурликдаги қатламлардан вертикал устунлар (Керн) олиниб, уларнинг минерологик таркиби синчиклаб ўрганилмоқда. Геология фанининг бу янгилигини кузатишда мамлакатимизнинг бир қанча олимлари билан бирга 1984 йили политехника институтининг профессорлари И. Мирхўжаев, Ф. Зуннунов ва бошқа геологлар ҳам иштирок этдилар ва у ердан институтимизга ажойиб геологик маълумотлар келтирдилар. Илгари геофизик усул билан қайд этилмаган ернинг 7-8,5 километр чуқурлигидаги гранитли гкейс тоғ жинслари парамалаш натижасида аниқланди ва рудали маъданлар ҳосил бўлиши учун бу қатламларда қулай шароит мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Масалан, мана шу ер қудуғининг 6,5-9 километр чуқурликдаги тоғ жинси қатламларининг таркибида мис ва никель конларининг топилиши юқорида қайд этилган фикримизнинг исботидир.

Сайёрамизнинг юқори қатламларидагина эмас, балки чуқур ва ўта чуқур қатламларида ҳам турли-туман рудали конларнинг ҳосил бўлганлиги диққатимизни ўзига жалб этади. Ундан ташқари, ернинг ўта чуқур қатламларидаги дарзликларга учраган тоғ жинслари таркибида ерости сизот сувлари сақланиши аниқланди. Ўн километр ва ундан чуқурроқ қатламларнинг физик, инженерлик-геологик хусусиятларини мукаммал ўрганиш натижасида бу қатламларнинг таркибида нефть, газ ва бошқа конлар очилишига имконият яратилди.

Кейинги йилларда факультетимиз олимлари томонидан Фаргона водийсининг 6-8 километр чуқурликдаги палеозой даври ётқизиқларининг турли геологик усуллар билан ўрганилиши натижасида девон, карбон ва пермь даврларига оид қатламларнинг таркибида нефть қазилма бойлиги борлиги аниқланди.

Маълумки, ўн иккинчи беш йилликдан бошлаб коинотни, ер шарининг таркибини янада ҳам мукамалроқ ўрганиш учун кенг имконият яратилди ва натижада ўта чуқурликдаги қудуқлардан олинган янги геологик ва геофизик маълумотлар мамлакатимизда регионал парамалаш ишларини олиб бориш имкониятини берди.

Ҳозирги вақтда Кольск ярим оролидаги парамалаш ишлари давом эттирилиб, Тюмен, Урал, Каспий олди, Мурунтов каби конларида ҳам чуқур қатламларни ўрганиш учун парамалаш ишлари олиб борилмоқда. Парамалаш натижасида планетамизнинг мантий қатламини ҳам ўрганиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Мамлакатимизнинг қуруқлик қисмида парамалаш ишлари олиб борилаётган бир вақтда, Америка олимлари томонидан бундай геологик изланиш ишларини денгиз сатҳида олиб бориш проекти тузилди. Бу проектни тузишда ва уни амалга оширишда бир неча мамлакатлар билан бирга Ватанимиз ҳам иштирок этди. Ер шарининг энг катта қуруқлик қисмини эгаллаган мамлакатимиз учун денгизда эмас, ернинг қуруқлик қисмида геологик қидирув ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шуни фахр билан айтиш мумкинки, Ер шарининг чуқур қатламларини мукаммал ўрганиш учун олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ўз самарасини бераяпти ва натижада янги конлар очилиб, ватанимизнинг минерал хом ашё базасининг янада ривожланишига катта ҳисса қўшилмоқда.

М. АҲМАДЖОНОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг профессори.

С. ИСҲОҚОВ,
доцент.

БАВА АЛИ МАМШИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ

Такомиллаштирилган пахта териш машинаси Ўзбекистон далаларида синовдан ўтди. Ганалик 34 яшар Бава Али Мамши бу машинани такомиллаштиришга совет конструкторлари билан бирга ҳисса қўшди.

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини битирган африкалик бу йигит институт муаллими техника фанлари кандидати Р. Г. Идеятуллин раҳбарлигида студентлигидаёқ пахта териш техникасини такомиллаштириш проблемаси билан шуғуллана бошлаганди. Али Мамши ўзининг диплом ишида пахтани машина бункерига ўтказиш системасини ишлаб чиқди. У олий мактабни битирганидан кейин аспирант сифатида шу ишни давом эттириш тўғрисида таклиф олди. Такомиллаштирилган пахта териш машинасини яратишда ёш олим ўйлаб топган пневмотранспорт системасидан фойдаланилди. Амалий аҳамиятга эга бўлган шу иш учун Бава Али Мамшига техника фанлари кандидати унвони берилди.

— Тошкентда жуда яхши билим олдим — дейди Бава Али Мамши. — Бундан тўққиз йил аввал СССРга бориш имконияти вужудга келганида Тошкентда ўқишимни билиб кўп хурсанд бўлган эдим. Ватанимда сизнинг шаҳрингиз ва тошкентликлар ҳақида кўп яхши гаплар эшитганман. Энди шу йиллар ичида бизларга кўп ёрдам қилган дўстлар, муаллимлар билан хайрлашиш қийинроқ бўлади. Ҳаммасига бирданига эришганимиз йўқ. Рус тилини ўрганишда қийинчиликлар бўлди.

Баъзан махсус курс бўйича иш чиқмай қоладиган ҳоллар ҳам юз берарди. Шунда совет мураббийларимиз қўшимча машғулотлар ўтказиш учун сира ҳам вақтларини аямасдилар.

— Тошкентда интернационализмни ўрганяпмиз, — деб давом қилди Бава. — Мен Тошкентда таълим олаётган африкалик студентлар союзининг президентиман. Комсомол бизга катта ёрдам ва мадад беряпти.

Бава ватанига хотини — қишлоқ хўжалиги институтини битирган ватандоши Азара билан бирга қайтиб боради. Тошкентда улар фарзандли бўлишди. Ёш ота-она ўзбек дўстларидан эсдалик сифатида ўғилларига Алишер, деб ном қўйдилар.

И. ГРЕБЕНЮК,
УзТАГ мухбири.

Ёз фоторепортажи



ДИЁРИМИЗ ОРОМГОҲЛАРИ

Она табиат сахийлик билан инсон учун ҳамма гўзалликларни яратиб қўйибди. Ёзнинг ҳароратли кунлари тоғларда, сўлим далаларда, дарё ва кўлларнинг соҳилларида ҳордиқ ёзиб, ором олиш киши руҳига мадад, танига қувват бағишлайди.

Езда фусункор манзараларга бой пойтахт областимизнинг Бўстонлиқ тоғлари бағрида, хушманзара адирлар, Чорвоқ соҳиллари, сувлари наво билан оқаётган кўм-кўк сойларда сайру-саёҳат қилиб, табиатнинг чексиз гўзалликларидан баҳраманд бўлиш мумкин.

Шаҳримизда сувлари кавсар, зумрад қўллар ҳам меҳнаткашларга яхши ором беради. Ленин комсомоли кўли, «Галаба», «Роҳат», Сергели ва бошқа кўлларда қайиқ-катерларда сайр қилиш, чўмилиш, офтобда чиниқиш сиҳат-саломатлигимизга посбон бўлади.

Хиёбонлар, боғлар, гулзору-сайрғоҳлар, анҳор соҳиллари ёз гаштини сураётган ҳамшаҳарларимизга олам олам завқ-шавқ беради.

Ёзимизнинг ҳар бир куни она табиат қўйнида мароқли ўтсин.

В. Тўраев, Т. Каримов ва Р. Шарипов фотоэтюдлари.





Магистраль

Техника ихлосмандлари диққатига!

ҚЎЛБОЛА АВТОМОБИЛГА ТАЛАБЛАР

Қайта қуриш муҳитини ижодкорона меҳнат қилиш учун барча имкониятлар яратиб бермоқда. Қобилиятини тўла намоён этиш, куч етадиган ишга ўзининг номзодини таклиф қилиш бугун одатдаги ҳол бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Мустақил техникавий ижодкорликни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида»ги қарори мустақил ишга қўл уриш мухлисларига айни муддао бўлди. Редакцияга кейинги пайтда кўплаб оқшомхонлар: «Энди автомобиль ясаб олиш мумкинми! Уни ГАИдан рўйхатдан ўтказиш тартиблари қандай!», деган саволлар билан мурожаат қилишмоқда. Биз техника ихлосмандларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришни Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг имтиҳон-регистрация бўлинмаси бошлиғи, милиция майори А. ҲАМИДУЛЛАЕВДАН илтимос қилдик.

— Асадулла Абдуллаевич, мазкур қарор чиққандан кейин ўзининг диди, қарашлари, имкониятига мослаб автомобиль ясаб олмоқчи бўлганлар учун қандай янгиликлар бўлди!

— Қарорни амалга ошириш мақсадида СССР Автомобиль саноати министрлиги, Бутуниттифоқ автомотоҳаваскорлар жамияти Марказий кенгаши, СССР Ички ишлар министрлиги давлат автомобиль инспекцияси бош бошқармаси «Якка тартибда тайёрланган енгил автомобилларга қўйиладиган талаблар»ни ишлаб чиқди. Мазкур талаблар шахсий фойдаланиш учун якка тартибда ясалаётган автомобилларнинг конструктив ва эксплуатация-техник параметрларини белгилайди, ёшларнинг техник ижодкорлигини ўзига хос, техника ва эстетик мукаммал, хавфсиз конструкцияли қўлбола автомобиллар яратишга йўналтиради. Хуллас, узоқ йиллар дилда асраб келинган орзуни рўёбга чиқаришга дадил киришиш мумкин. Автомобиль созлаш, яратиб олиш таъқиқланмагани ҳолда, ҳаваскор ва ижодкорларнинг фаолиятига кенг йўл очиб берилди.

— Яратиладиган автомобилга қандай техник талаблар қўйилади!

— Беш ўринли, икки ўқли ва тўрт ғилдиракли автомобилларнигина тайёрлашга рухсат этилади. Бунда саноат ишлаб чиқарган енгил автомобиль, мотоцикллернинг деталь, қисм ва агрегатларидан (кузовдан ташқари) фойдаланиши мумкин. Автомобилнинг ҳажми қуйидагича бўлиши керак: узунлиги — 4700 миллиметрдан, кенглиги — 1800 миллиметрдан, баландлиги — 1900 миллиметрдан ортиб кетмаслиги шарт. Оғирлиги 450 килограммдан ортиқ бўлган автомобилларга орқага юришни таъминлайдиган узатма ўрнатилиши зарур. Бутун вазни бир тонна бўлган автомобиль двигателининг қуввати 50 от кучидан ошиб кетмаслиги ва 24 от кучидан кам бўлмаслиги кўзда тутилган.

— Юқорида саноат ишлаб чиқарган кузовдан фойдаланишга рухсат этилмайди, дедингиз. Унда ўз кучи билан ясаладиган кузовнинг кўриниши қандай бўлиши керак!

— Исталган конструктив типдаги (юқоридан очиладиган ёпиқ, спорт ва бошқа типда) кузов ўрнатиш мумкин. У пишиқ материалдан тайёрланган, ташқи кўриниши бежирим бўлиши, устига ювилмайдиган бўёқ суртилиши зарур. Кузов қуёшга қарши муслама ва орқа кўринишни таъминлайдиган кўзгу билан жиҳозланиши, эшиклар, копот қопқоғи ва юк бўлинмаси қулфланадиган бўлиши шарт.

— Ёритиш системаси ва овоз сигналларига қўйиладиган талабларга тўхталсангиз.

— Автомобиль қабул қилинган стандарт асосида ташқи ёритиш асбоблари ва ёруғлик сигнализацияси билан жиҳозланади. Унга ўрнатиладиган овоз сигналлари ва ойна тозалагичлар саноат асосида тайёрланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, автомобилда номер ўрнатиладиган ва хавфсизлик тасмаси қўйиладиган жой кўзда тутилиши, аптечка, ўт ўчиргич ва фавқулодда тўхташ белгиси бўлиши даркор.

— Кўпчилик газетхонларни ташвишлантираётган бир нарса бор. Ҳар хил шароитда турли кишилар томонидан йиғилган автомобиллар йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига бир хил даражада жавоб бера оладими! Улар кўчаларимизда хавф-хатар уйғотадиган қўшимча манбага айланиб қолмайдими!

— Хавотирланишга ўрин йўқ, деб ўйлайман. Чунки ГАИ ходимлари регистрациядан олдин ҳар бир қўлбола автомобилни синчиклаб ўрганиб чиқишади. Талабга жавоб бермайдиган автомобиллар рўйхатга олинмайди. «Якка тартибда тайёрланган енгил автомобилларга қўйиладиган техник талабларда ҳам талаб ва қоидадан чиқиб кетмаслик чоралари кўрилган. Жумладан, юк автомобиллари, микроавтобуслар, тракторлар ва ўзиюрар машина, механизмлар деталларидан фойдаланиш таъқиқланган. Эҳтиёт қисмлардан автомобиль йиғишга, бир ўққа турли размер, модель ва нақшдаги шина ўрнатишга рухсат берилмайди.

— Ҳаваскор одам машинани «талаблар»га мувофиқ равишда ясаб олди ҳам дейлик. Уни рўйхатдан ўтказиш учун ГАИга қандай ҳужжатлар тақдим этиши керак!

— Якка тартибда тайёрланган автомобилни рўйхатдан ўтказиш учун ГАИга кўнгилли автомотоҳаваскорлар жамияти республика (ўлка, область) ташкилотлари ҳузуридаги контроль-техника комиссиясининг техника экспертизаси акти ва агрегат, деталь, қисмларни сотиб олинганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилади. Автомобиль ясаб олишга оид маълумот билан тўла танишиш учун автомотоҳаваскорлар жамиятига мурожаат қилиш мумкин. Хуллас, мустақил автомобиль тайёрлаш истаги бўлган ҳайдовчиларга омад тилайман, ўз қўлбола машинасини бошқариб бораётганларга, йўлингиз бехатар бўлсин, дейман.

Суҳбатни журналист Ғ. БОЛТАБОЕВ ёзиб олди.

Газетхон таклиф этади

ЯХШИ ДАСТЁР, ЛЕКИН

Манзара ортидаги хавф

«Магистраль» материалларини қизиқиб ўқиб бораман. Мен йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсир этадиган бир камчилиқ ҳақида фикр юритмоқчиман. Негадир кейинги пайтда катта йўллар ёқасига арча экилмоқда. Тарвақайлаб кетган ва қишин-ёзин баргини тўкмайдиган бу дарахт орқасида одам бор ёки йўқлигини билиш жуда қийин. Шахсан ўзим Халқлар Дўстлиги проспектидан юрагимни ҳовучлаб ўтаман.

Арчалар ўрнига Генерал Узоков кўчасидаги каби чиройли, шаклан ихчам дарахт кўчатларн ўтказилса яхши бўларди, деб ўйлайман.

Т. МАҚСУДОВ,
қурувчи.

Имтиҳон олинса...

Мен газетанинг 4 март сонида чиққан И. Муҳамедов таклифига тўла қўшиламан. Йил охирида энг кўп очко тўплаганлар орасида конкурснинг ҳақиқий ғолибини аниқлаш учун ГАИ аппаратида имтиҳон олингани маъқул бўларди. 3 ёки 5 та имтиҳон билетининг саволларига энг кўп тўғри жавоб топганлар конкурс ғолиби деб эълон қилинса

Б. КОМИЛОВ.

Мотоцикл бошқариш осонлиги, ихчамлиги билан бошқа транспорт воситаларидан ажралиб туради. Шунинг учун кўплаб ҳайдовчилар, айниқса ёшлар нархи арзон ва тезлиги юқорилигига ҳавас қилишиб мотоцикл рулини тутишади.

Мотоциклни бошқариш унинг ҳайдовчисидан ўта ҳушёр бўлишни, йўл ҳаракати қоидаларини мукаммал билишни талаб этади. Бироқ айрим кишилар буни бутунлай ҳисобга олмайдилар. Шу боис йўлларимизда хавфли сайрга мотоциклда чиққанларга тез-тез дуч келиш мумкин. Шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бундай қоидабузарларни аниқлаш мақсадида мунтазам рейдлар ўтказиб бормоқда. Бастакор кўчасида «ММВЗ-115» маркали номерсиз мотоцикл тўхтатилди. Унинг рулида ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган Владимир Селин борарди. М. Ҳайдаров, А. Мадраимов, И. Исмоилов, С. Бодьяров, Е. Стукаленколар ҳам қоидадан бехабар бўлсаларда, мотоцикл минишдан ўзларини тия олмаганлар.

Геннадий Толстокулаков, Қаҳрамон Эргашевлар номерсиз мотоцикларни маст ҳолатда бошқаришган. Рейд давомида ҳайдовчилик гувоҳномасиз, номерсиз, транспорт воситасининг ҳужжатларисиз мотоцикл минган юздан ортиқ киши аниқланди. Уларнинг ҳаммасига маъмурий чора кўрилди. Шу нарса кўзга ташландики, ота-оналар оқибатини ўйламасдан вояга етмаган фарзандларини «пўлат от» ўриндиғига ўтқазишяпти. Интенсив йўл ҳаракатида довдираб қолган, қоидадан мутлақо бехабар ўсмирлар автоавариялар сабабчисига айланиб қолмоқдалар, ачинарлиси шундаки, аввало уларнинг ўзлари оғир тан жароҳатлари олишмоқда.

Мотоциклни бошқаришга беозор ҳол деб қарамаслик зарур. Унинг рули интизомли ҳайдовчи қўлига тушгандагина, ҳавотирланишга асос бўлмайди.

Жавобингизни текширинг

Газетанинг шу йил 23 апрель сонида берилган тўртинчи топшириқдаги вазиятда пассажирни тушириш мумкин. Чунки сидирға чизиқ бўлмагани сабабли пассажирни тушириш учун жамоат транспорт воситаларига ажратилган полосага киришга ва тўхташга рухсат этилади.

Топшириққа М. Аҳмедова, Н. Аъзамхўжаев, И. Муҳамедов, Ғ. Абдуқодиров, Р. Авазов, Ш. Азимов, М. Азимова, Қ. Аҳмедов, Э. Жумабоев, З. Рашидова, С. Номозов, А. Юсупов, Э. Қосимов, И. Эшбоев, Н. Обидов, Қ. Мақсудов, Ғ. Маҳмудовлар тўғри, Н. Раҳимбеков қисман тўғри жавоб топган.

А. Абдуллаев ва К. Аҳмедов, И. Ғаниев, М. Тожибоев, Р. Матўрозов, Ш. Мирзакаримов, Ҳамдамовлар онласи, Р. Қодиров, Д. Дадабоева, С. Султонов, М. Мирсоатова, З. Сирожиддиновлар топшириқни тўғри ечишмаган.

6-ТОПШИРИҚ



«Техник ёрдам» қатнов қисмининг шу ҳаракат полосасини эгаллаши мумкинми?

— мумкин
— мумкин эмас
— фақат қайрилиб ёки бурилиб олиш учун мумкин.

Диққат, янгилик!

Кундузи ёқилган чироқлар

Шу кунларда шаҳримиз кўчалари бўйлаб қатнаётган жамоат транспорти воситаларининг кундузи ҳам яқинни ёритувчи чироқларини ёқиб юрганликлари кўпчиликни ажаблантирмоқда.

Бу ғайри табиий ҳодиса эмас.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шу йил 21 майда пойтахтимиз территориясида ҳаракатланаётган умумфойдаланадиган жамоат транспортлари: автобус трамвай, троллейбус, маршрутли таксиларни кундузи ҳам яқинни ёритувчи чироқларини ёқиб юриши ҳақида қарор қабул қилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад, шаҳримизда кундузи юз бераётган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва камайтиришдир. Мутахассисларнинг фикрига қараганда кундузи ёқилган чироқлар пиёдаларнинг ҳушёрлигини оширади.

СУВ—ҲАЁТ МАНБАИ

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1987 йил 20 март сонида босилиб чиққан Пирмат Шермуҳамедовнинг «Тошкент ариқлари» мақоласини ўқиб, ундаги аниқ келтирилган далиллар — Тошкентдан оқиб ўтадиган сувларнинг деярли ҳаммаси ҳар хил ахлатлар, қурилиш ва саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар билан ифлосланаётгани ва ариқлар қирғоғида ахлатлар уюми кўплаб тўпланганлиги бизни жуда ҳаяжонга солди.

Тошкентдан оқиб ўтадиган ариқ сувларининг бундай антисанитария ҳолатда бўлиши, бизни шифокор ва олим сифатида жуда ташвишлантиради. Маълумки инсон ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Наҳотки, икки миллион аҳоли яшаб турган онашаҳримиз Тошкент сувлари йилнинг тўрт фаслида ифлосланиб, инсон саломатлигига катта хавф туғдирувчи манбага айланган?..

Бу мақолада кўрсатилган оқар сувлар — Чиқириқ, Лабзак, Қорасув, Жар-Ариқ, Бўрижар ва бошқа ариқларни ўз кўзим билан кўриб, ниҳоятда ачиннарли манзарасининг гувоҳи бўлдим. Ундан ташқари кўплаб шаҳар чеккасидаги кўчаларда, майдончаларда, бозорларда, кўп қаватли уйлар ва аҳоли яшаб турган турар жойларнинг яқинида ахлат ва чиқиндиларнинг йиғилиб ётгани, шаҳримизнинг кўркига доғ тушираётганини кўрасиз.

Юқорида кўрсатилган далиллар масаланинг бир томонини ёритиб берган бўлса, энг ачинарлиси ва хавфлиси шуки бу ифлосланган сув манбалари орқали кишилар орасида ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари ва вирусли «А» юқумли гепатитининг кенг тарқалишига қулай шароит яратади.

Кўп йиллар давомида юқорида таъкидлаб ўтилган сув манбаларини микробиологик текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, оқар сувлар юқумли ва хавфли ошқозон-ичак касалликлари микроблари билан ифлосланганлиги сурункасига аниқланган.

Маълумки, ёзнинг иссиқ кунларида оқар сувларда чўмилиш киши организмини чиниқтириш ва соғломлантириш учун зарур бўлган гигиеник тадбирдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай ифлосланган сувларда чўмилиш ва хўжалик ишларида фойдаланиш натижасида кўплаб кишилар, айниқса, болалар юқумли ошқозон-ичак касаллиги билан оғрийди.

Сўнгги олти йил ичида Тошкент шаҳрида юқумли ошқозон-ичак касалликлари камайиш ўрнига, 1985—1986 йилларга келиб 1981 йилга нисбатан 25—30 процент кўпайган. Бунга асосий сабаблардан бири юқорида кўрсатилган ифлосланган сувлардир.

Маълумки, юқумли ошқозон-ичак касалликларини — вирусли «А» юқумли гепатитнинг олдини олишда, аҳолини санитария маданиятини ошириш билан бир қаторда, аҳоли яшаб турган жойларнинг, сув ҳавзаларининг санитария ва гигиена талабларига жавоб берадиган даражада тоза бўлиши асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. Бунга шаҳар ва районлардаги коммунал хўжалик раҳбарлари доимий амал қилишлари лозим.

Афсуски, коммунал хўжалик ташкилотларининг ишларида жиддий камчиликлар кўп, шунинг учун ҳам айрим жойларда антисанитария ҳоллари мавжуддир.


Тошкент шаҳар ва районлардаги санэпидстанцияларнинг хизматлари «Тошкент оқшоми» газетасининг 1987 йил 20 март сонида босилиб чиққан «Тошкент ариқлари» мақоласидаги антисанитария ҳолатлари, уларга узоқ йиллар давомида маълум бўлишига қарамай, ўзларининг муқаддас меҳнат бурчи бўлган санитария ва гигиена назоратини кучайтириш ўрнига масъулият сезмасдан лоқайдлик кўрсатмоқда.

Ваҳоланки, она-шаҳримиз Тошкентдан оқиб ўтадиган сувларни тоза сақлаш, аҳоли яшаб турган жойларда тозаликка эътибор бериш инсон саломатлигини сақлашдаги асосий омиллардан бири бўлиб, бу ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

С. МУҲАМЕДОВ,
Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари доктори, профессор.

А. РАСУЛОВ,
медицина фанлари кандидати.

Цирк, цирк, цирк...







«ВАРШАВА»ЛИКЛАР МАҲОРАТИ

Шу кунларда пойтахтимизнинг цирк аренаси Польша Халқ Республикасидан келган санъаткорлар билан яна файзли бўлиб турибди. Бу ерда «Варшава» цирки артистлари бир неча кундан буён маҳоратини муваффақият билан намойиш қилмоқда.

Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси ўртасидаги маданий ҳамкорлик программасига биноан шаҳримизга келган бу коллектив цирк санъатининг барча жанрлари бўйича томошалар кўрсатмоқда. Ҳаво гимнастлари ва акробатчилари, жонглёрлар ва эквилибристлар, дорбозлар, ҳайвонларни ўргатувчи артистлар томошабинлар олқишига сазовор бўлишмоқда. Меҳмонларимиз орасида халқаро конкурслар ва кўрикларнинг мукофотлари билан тақдирланган санъаткорлар ҳам бор.

Суратларда: «Варшава» цирки артистларининг чиқишларидан намуналар.

Н. Шарипов фотолари.

С. ДИДКОВСКИЙ.

АЖОЙИБ ЭРКАК

(Ҳажвия)

Эшик очилиб уйга шошганча хотини кириб келганда, Владимир Ртищчев ҳар кунгидек «оқшом»ни ўқиб ўтирарди.

— Ишдан кейин барча аёлларни мажлислар залига — лекцияга олиб қолишди. Биласанми, нотиқ нимага диққатни қаратди!

Яна бирор кор-ҳол чиқишидан ҳавотирланган Владимир ҳар эҳтимолга қарши шундай деб қўйди:

— Нимага бўларди, оилавий муносабатларга-да...

— Тополмадинг! У асосан, ҳақиқий эркак қандай бўлиши тўғрисида маъруза қилди.

Ртищчевни совуқ тер босди.

— Биринчидан, давом этди рафиқаси эркак киши аёлга нисбатан рицар ва жентельмен бўлиши шарт.

— Эсингдами Зина, — Ртищчев ақлига ҳимояга ўтди.

— Иккинчидан, эркак ўта сахий ва меҳрибон бўлиши керак...

— Отпуска даври ёдингдадир, озиқ-овқат солинган қайиқ тўнтарилиб кетганда, ким сенга ўз кашасини берган!!

— ... ва албатта ақлли...

— ... сиртқида ўқиганингда масалаларни ким ечган!...

Эр-хотин баҳси ниҳоясига етганда, сўнгги нуқтани одат бўйича рафиқаси қўярди:

— Йўқ, менн тушунмайсан. Энг асосийси тушунишни хоҳламайсан.

Ртищчев жавоб бермай, хаёлга чўмди. У очиқ кўнгил, юмшоқ киши эди, бутунлай ичмасди. Дўстларнинг, хоккей ва фигурали учишни яхши кўрарди. Умуман олганда, камчилиги йўқ эди. Лекин, рафиқаси билан ўтган сўнгги суҳбатдан кейин у тамоман ўзгарди, қолди. Энди Владимир меню ҳақида баҳслашмас, хотини кўйлакларининг барча фасонларига розилик берар, дугоналарининг узундан-узоқ суҳбатига асабийлашмас, кечки пайт идиш, товоқ юварди. Чекишни ташлади... хоккейга бормай қўйди ҳатто қўшниларнинг ҳам дазмолини тузата бошлади.

Рафиқаси биринчи кунларн ҳайрон бўлганча, кўзларини бақрайтириб юрди: сўнгра қониқиш билан йўталиб-йўталиб қўядиган одат чиқарди; кейни ўзини вазнятининг ҳукмронн ҳис этган ҳолда захархандалик билан ғолибона кулиб қўядиган бўлди; кейинчалик буларнинг барисини худди ана шундай бўлиши керакдек, бефарқ қабул қила бошлади. Орадан бир йил ўтгач, бундай ширин ҳаёт таъсирида у негадир бўлар-бўлмасга қовоқ уйиб, асабийлашадиган бўлиб қолди. Бир куни ишдан келгач эса, дастрўмолнинн юваётган эрини кўриб, кўзи чиқиб кетди, гул тувагини ерга улоқтирди-да, йиғи аралаш бақирди:

— Йиғиштир!

Кир ювишни тўхтатган Ртищчев хотинини охиста диванга ўтказди ва уй юмушларидан жуда толиққан киши овозида деди:

— Сенга нима бўлди, жоним!

Зина жавоб ўрнига хўнграб йиғлаб юборди, бошини эрининг елкасига қўйиб арз қилди:

— Йўқ. Бошқа чидай олмайман, азизим. Мен аёлманми, йўқми! Жуда бўлмаса бирор марта дўқ қилгин.

Ртищчев аёлларга дўқ қилишни билмасди, шунга қарамасдан ўрнидан турганда, буйруқ оҳангида деди:

— Дастрўмолларни ювиб, кечки овқатга жаркоп тайёрла!

Зина дарҳол йиғидан тўхтади.

Шундан кейин Ртищчевлар ҳеч қачон жанжаллашмайдиган бўлиб қолишди.

Русчадан
Р. ШАРОПОВ таржимаси.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/VI да **Парвона**, 18/VI да **Ойна**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/VI да **Тошболта ошиқ**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ВАРШАВА» ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (18, 20.30 да).

Кино

17 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАБРДИЙДА ЕР» — **Москва** (тоқ соатларда, 20.40 да).

«КУРЬЕР» — **Нукус** (жуфт соатларда, 21.30 да).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00).

«ХОТИРЛАШ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЕР» — **Восток** (16, 18.30, 21.00).

«БОРИГА БАРАКА ЁКИ ЖАВОБ ЗАРБАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, 21.30 да).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ?» — **Ватан** — (16, 18.30, 21.00).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда).

«ЗОРРО» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00).

«ВАФОТИДАН КЕЙИН МУКОФОТЛАШ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ХАТАР АЛОМАТИ» — (17.30, 20.00), «ҚИЁФАДОШ» — (12, 14, 16.00) — **Искра**.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Граждан авиацияснинг 243-ремонт заводи базасидаги

20-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун 1987-1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синфни битирган ўқувчилар: учиш аппаратларининг слесарь-ремонтчиси, авиадвигателларнинг слесарь ремонтчиси, учиш аппаратларининг ремонти ва уларнинг ускуналари бўйича электромонтажчи, газэлектр пайвандчи ихтисосликлари бўйича 3 йил, 10-синфни битирганлар эса 1 йил таълим оладилар.

Ўқишга Тошкент шаҳрида пропискада турувчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини тамомлаганлар авиация ремонти база корхоналарига ишга юборилади. Завод ишчиларига граждан авиацияси ходимларига тегишли имтиёзлар ҳам берилади.

3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар, бир йил ўқийдиган ўқувчилар эса ойига 30 сўм стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли тўгаракларн ишлаб турибди.

Ўқувчилар 16 ёшга тўлиши билан авиация клубига қабул қилинади.

Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар эса граждан авиацияси институтлари ва билим юртларига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ариза, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақида ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмида 5 дона, 6х4 см. ҳажмида 3 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри Авиасозлар шаҳарчаси. Телефонлар 99-96-48, 99-94-50.

ЁЗ МАВСУМИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҲОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДА МУРОЖААТИ

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ БАРЧА РАҲБАРЛАРИ ВА ШАҲАР ГРАЖДАНЛАРИГА

Давлат ёнғиндан муҳофаза органларининг ходимлари, жамоатчилик вакиллари ва гражданлар у ёки бу объектда, уй-жой секторида ўт чиқиши, ёнғин содир бўлишини олдини олиш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, йилнинг ана шу фаслида ёнғин асосан объектлар ва уй-жойларни ёнғиндан муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмаётган жойларда содир бўлмоқда.

ЁНҒИННИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ ШАРТ:

ҳамма объектлар территорияси ва уй-жойларни ёнмаган ахлат, қуриган ўт ва хоказолардан яхшилаб тозалаш;

бинолар ва иншоотлар яқинида гулханлар ёқиш, ахлат ва бошқа ёнувчи материалларни ёндириш, ёнғин хавфи бўлган ерларда чекиш, болахона ва ертўлаларда ёнадиган ахлатларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймаслик;

енгил алангаланадиган суюқликларни йўлакларда, уй зиналари тагида, ертўлаларда, болахоналарда сақлашга йўл қўймаслик, уларнинг турар-жойлар ва квартираларда сақланишини чеклаш;

ёқилган электр ва газ асбобларини назоратсиз қолдирмаслик;

агар болалар уйда қолган бўлса, ҳамма эҳтиёт чораларини кўринг, гугуртларни улар тополмайдиган ва бўйи етмайдиган ишончли жойга яшиқ қўйинг. Эсингизда бўлсин: болалар катталарга тақлид қиламан деб аксарият ҳолларда ёнғин чиқишига сабабчи бўладилар, кўп ҳолларда ўзлари ҳам нобуд бўладилар;

мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситаларини тахт қолга келтириш, ўт ўчириш ҳавзаларини сувга тўлдириш.

ёз мавсумида объектларнинг ёнғиндан қутқарув отрядлари кўнгилли халқ дружиначилари ихтиёрида бўлган ўт ўчириш машиналари ва мотопомпалар расчётини бутлаб қўйиш;

барча бинолар ва хоналардаги асосий ва ёрдамчи эшикларни доим очиқ ҳолда сақлаш;

ЁНҒИНДАН ХАБАР ТОПСАНГИЗ ДАРҲОЛ «01» ТЕЛЕФОНИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, ЁНҒИН ЧИҚҚАН ЖОЙНИНГ АНИҚ АДРЕСИНИ, НИМА ЁНАЁТГАНИ ВА ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАРНИ КИМ ЧАҚИРАЁТГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛИНГ.

Айни бир маҳалда бирламчи ўт ўчириш воситалари билан зудлик билан ёнғинни ўчиришга киришинг, агар хонада одамлар қолган бўлса, уларни қутқариш чораларини кўринг, ўт ўчирувчиларни кутиб олинг, ёнаётган ёки тутун ичида қолган бинодан ҳамма одамлар олиб чиқилган-чиқилмаганлиги,. яна қайси хоналарда одамлар қолгани ҳақида хабардор қилинг.

ЎРТОҚЛАР! БАРЧА ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТГАН ТАҚДИРДАГИНА СИЗ ЎТ ЧИҚИШИ ВА ЁНҒИН БОШЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА БОШҚАРМАСИ.

ШАҲАР ҚЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

30-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987-1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводига қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишчи кадрлар тайёрлаб беради.

кенг профилдаги йўнувчи-токарь, электр кўприк кранларининг машинисти, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, қўлда ва машинада қолипловчи, ОТК назоратчиси.

ЎҚИШГА 17,5 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Ўқувчиларга 72 сўм стипендия берилади, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топилган иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, тепловознинг механик қисми ремонти бўйича слесарь, тепловознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь, электргаз пайвандчи-сантехник, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг созловчиси, куч тармоқлари ва электр асбоб-ускуналарининг электр монтери.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ, САККИЗИНЧИ СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЁТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Билим юртида музика тўгараклари, тажрибали тренерлар раҳбарлигидаги спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртини тугатганларга диплом берилади.

Аълочи ўқувчилар эса олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар. Билим юртини тамомлаганлар темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан фойдаланадилар, жумладан, Совет Иттифоқининг истаган томонига поездда бепул бориб келадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан справка, яшаш жойидан справка, характеристика, 10 дона фотосурат (3х4 см.). —сурат ялтироқ қоғозда бўлмаслиги керак.

МАШҒУЛОТЛАР 1987 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади,

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайлар; 22, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон — 91-14-07.

КИТОБСЕВАР ВА МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИ



17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИДА

ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ЭРКИН САВДО ҚИЛИНМОҚДА

«РАСМЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН МОСКВА» ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ. 2 томлик.

ЎРМОН ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ. 2 томлик.
СССР ҚОНУНЛАРИ МАЖМУАСИ. 2 томлик
КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ ИЛЛНОМАСИ, 1986 йил.

ДИПЛОМАТИК ЛУҒАТ. 3 томлик.
РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ. 2 томлик.
ИНГЛИЗЧА-ГЕОЛОГИК ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ. 3 томлик.
ФАЙНМАН. Физикадан лекциялар. 8 томлик.
МАТЕМАТИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯ. 2, 3, 4, 5-томлар.
КАТТА МАТЕМАТИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯ, 14 дан 28 томгача.
ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР ҲАРАКАТИ, 2 дан 8 томгача.
В. ШЕКСПЕР (ўзбек тилида). 5 томлик.
Ҳ. ОЛИМЖОН (ўзбек тилида), 2 дан 10 томгача.
К. ЯШИН (ўзбек тилида). 6 томлик.
А. МУХТОР (ўзбек тилида). 4 томлик.
МИРТЕМИР (ўзбек тилида). 4 томлик.
Л. ТОЛСТОЙ (ўзбек тилида). 3, 4-том.
К. ИКРОМОВ (рус тилида). 2 томлик.
М. ХРАПЧЕНКО. 4 томлик.
И. АНИСИМОВ. 3 томлик.
Б. СУЧКОВ. 3 томлик.
Г. БАБЕФ (фалсафий асарлар). 4 томлик.
А. ГЕРЦЕН (фалсафий асарлар), 2, 3, 4 том.
Г. КОЗИНЦЕВ. 5 томлик.
Е. ГАБРИЕЛОВИЧ. 3 томлик.
Г. МАРИВАНИ. 4 томлик.
С. ГЕРАСИМОВ. 3 томлик.
АКА-УКА ВАСИЛЬЕВЛАР. 3 томлик.
УМУМИЙ БАКТЕРИОЛОГИЯ МЕТОДЛАРИ. 3 томлик.
КУКРИНИКСИЛАР. 1, 2, 3-томлар
МУЗИКА МАДАНИЯТИ ҲАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ (грампластинкалар).
РУСЬ ПОЭЗИЯСИ САҲИФАЛАРИ (грампластинкалар).
А. ЧЕХОВ АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИГА КЎРСАТКИЧ. 18-томлик.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй («Ленинград» меҳмонхонасининг рўпарасида). Телефон 44-57-41.

Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!
1987 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРГА ҚАДАР ОМОНАТ КАССАЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА

КЎРИК КОНКУРСИ ЎТКАЗИЛАДИ

— Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, омонат кассалари жойлашган хоналар ва иш жойларини намунали сақлаш;

— план ва топшириқларни муваффақиятли бажариш ва ошириб бажариш;

— иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, энг кам сарф-харажат билан юқори пировард натижаларга эришиш;

— омонат ишларига кўмаклашувчи жамоатчи Советлар ишини янада активлаштириш;

— омонат кассалари кўрсатадиган хизмат ҳақидаги оммавий-ахборот ишларини кенгайтириш, кўргазмали агитация ишини яхшилаш.

КЎРИК-КОНКУРСДА ФАОЛ ҚАТНАШИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

Омонат кассалари фаолиятини яхшилашга оид таклифларни қуйидаги адресга жўнатиш мумкин: 700000, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй. Давлат меҳнат омонат кассаларининг Тошкент шаҳар бошқармаси. (Телефонлар: 33-78-02, 33-29-73, 33-51-95).

ТОМОРҚА ЭГАЛАРИГА!

МИТТИ ТРАКТОР

ТОМОРҚА ҲЎЖАЛИГИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН МИТТИ ТРАКТОР — «ЛУЧ» «МБ-1» МОТОБЛОКИ БИР КОРПУСЛИ АЙЛАНМА ПЛУГ ЁРДАМИДА СОАТИГА ЕТТИ СОТИҲ ЕРНИ ШУДГОРЛАЙДИ.

У осма тиркагич воситалар билан ерга тўла ишлов беради: ерни юмшатиш, культивациялаш, бороналаш, эгат очиш каби ишларни бажаради. Юқ ташиш, ўт ўриш, суғориш ва ёмғирлатиш, хашакни майдалаш, ўтин арралаш каби юмушларда қўл келади.


Бурилиш ва бошқариш осонлиги, ихчамлиги туфайли мотоблокдан тоғ деҳқончилигида, очиқ ва ҳимояланган тупроқ шароитида фойдаланиш имконини беради.

Тўрт тактли бир цилиндрли қуввати (5 от кучига тенг) бензин билан ишлайдиган двигатель плугдан фойдаланмай тупроқни боғ-полиз экинларини экишга тайёрлаш имконини беради. Мотоблок комплектидаги кески-культиваторлар ҳатто қўриқ ерни 300 мм чуқурликда бемалол юмшатади.

«ЛУЧ», «МБ-1» МОТОБЛОКЛИ ТОМОРҚА ҲЎЖАЛИГИДА УНИВЕРСАЛ ЁРДАМЧИДИР.

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ИШЛАРИ БУТУН КОМПЛЕКСИНИ БАЖАРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ҚЎШИМЧА РАВИШДА СОТИБ ОЛИШНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

БИР КОРПУСЛИ АЙЛАНМА ПЛУГ. Қамров кенглиги — 180 мм, ҳайдов чуқурлиги — 200 мм, унумдорлиги — 1 соатда 7,2 сотиҳ. «МБ-1» мотоблоки билан ҳаракат тезлиги — 4 км/соат.



ОСМА ЎРГИЧ. Ўриш кенглиги — 1100 мм. ишчи тезлиги — 2,5+5 км/соат. унумдорлиги — 0,35 га/соат.

БИР ЎҚЛИ ПРИЦЕП АРАВАЧА. Юк кўтариш қобилияти — 350 кг, «МБ-1» мотоблоки билан ишчи тезлиги — 9 км/соат.

СУВ НАСОСИ (марказдан қочирма типида). Мақбул босими — 30 м, унумдорлиги — 6м³/соат.

ЁҒОЧГА ИШЛОВ БЕРУВЧИ «ПД-401» ТИРКАЛМАСИ.

Бу комплектга рандалар ва бўйлама ҳамда кўндалангига арралаш учун доирасимон арра киради (ёғоч қалинлиги 130 мм.).

«ЛУЧ», «МБ-1» МОТОБЛОКИНИ МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

Осма жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар учун буюртмалар қуйидаги адресга юборилсин: 642025, Шимолий Қозоғистон областининг Петропавловск шаҳри, Индустриальная кўчаси, 34-«б» уй. «Главкоопкультторг» базаси.

ПЕРМЬ «МОТОРОСТРОИТЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Киров район ошхоналар трестининг

МАКТАБ-ОШХОНАСИ

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мактаб-ошхона Киров районидаги энг яхши ошхоналар ва кафеларда ишлаш учун малакали 3-разрядли ошпазлар тайёрлайди.

Ўқиш муддати 11 ой.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мактаб-ошхонага 8 — 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган хотин-қизлар қабул қилинади.

Мактаб-ошхона замонавий 3 қаватли бинода жойлашган бўлиб, таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган.

Мактаб-ошхона қошида кечки ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Ўқувчилар овқат, махсус кийим ва ҳар ойда 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия билан таъминланадилар.

Мактаб-ошхонани битирганлар 3-разрядли ошпаз малакаси берилганлиги ҳақидаги ҳужжатни оладилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязев кўчаси, 28-уй, Киров район ошхоналар трести, кадрлар бўлими, (23, 22, 3, 29-трамвайлар, 19, 47, 89-автобусларнинг «Манзил хизмат уйи» бекати)

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 13991. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Тиражи — 75.131. Б. 2150. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.